

Меҳр айёми

Кўнгилларда наврўз саболари уйғониб, ҳаётга муҳаббат йўғрилган баҳорнинг илк кунларида муҳтарам оналаримиз, меҳрибон опа-сингилларимизнинг байрами нишонланади. Шодиёна кунларда нурафшон кундузларни узайтириб бораётган кўёшга монанд аёл чехрасида жилоланган табассум ҳам мунаввар ёғду таратиб, оламни янада нурафшон этади. Қалбимизга меҳр, вафо-садоқат, жасорат, орзу бахш этувчи гўзаллик айёми билан табиатга тароват бахш этган баҳорда ажиб бир муштараклик мужассам. Ҳа, ҳар йили 8-март – халқаро хотин-қизлар байрами шундай кутиб олинади.

Бугунги ўзбек аёли нафақат суюмли уй бекаси, меҳрибон она, жонкуяр опа, сингил, балки мамлакатимиз ҳаётида кўнглидаги улуғвор орзу-ниятларини дадил амалга ошираётган олима, ҳамшира, ўқитувчи, спортчи ва бошқа юзлаб касб соҳибаси сифатида эл-юрт хизматида, иқтисодиётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда.

Юртбошимиз «Халқимизнинг буюк тарихида ўзининг жасорат ва матонати, ақл-заковати, нафосат ва назокати билан ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Гулбаданбегим, Зебуннисо, Нодира, Увайсий, Анбар отин ва бошқа юзлаб аёлларимизни ҳамиша эҳтиром билан тилга оламиз. Улуғ момоларимизга хос бўлган олижаноб фазилатлар бугун ҳам муҳтарам аёлларимиз сиймосида давом этиб келмоқда», деганларида жаҳон маданияти тамаддунига муносиб ҳисса қўшган улуғ момоларимизни ёшларимизга намуна қилиб кўрсатишни назарда тутган эдилар.

Албатта, замондош аёлларимизнинг қалбу киёфаси, ҳаётимизда тутган мавқеи олис тарихимиз, суронли даврлар шамолларида сайқалланган: Тўмарис жасорати, темурий маликалар ибрати, Бибихоним донолиги, қолаверса, халқимизнинг эртак-афсоналаридаги меҳрибон она, тадбиркор рафиқа, доно қиз, бири биридан гўзал опа-сингиллар ҳақидаги эзгу тилаклар, “Алпомиш” достонидаги Барчин ёки севимли китобларимиздаги Ўзбек ойим, Кумуш, Раъно каби миллий тимсолларнинг ўзига хос фазилатлари жамул-жамида ўзбек

аёлининг сиймоси яралиб, унинг ҳаётбахш нафаси бугунги файзиёб кунларимизга ҳам маъно-моҳият бағишлайди.

Бизнинг момоларга дунёнинг бошқа юртларидаги аёллар ҳайрату ҳавас билан қарашлари-да бор гап. Таниқли инглиз адибаси Маргарет Румер Годен “Гулбадан” (Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг қизи малика Гулбадан бегим шахсига чизгилар) номли рисоласида “Жаҳон тарихидаги энг буюк салтанатлардан бўлмиш бобурийлар салтанатининг зебо ва оқила вакиласи, катта ақл-идрок ва ноёб истеъдод эгаси Гулбадан бегим...” дея эътироф этиб, маликанинг тарихда абадий ном қолдирганлигини таъкидлайди.

Куни-кеча замондошимиз, Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг оналик ва устозлик меҳри, вафо-садоқати, бетакрор шеърляти, жасорати, ибратли ҳаёти юксак баҳоланиб, таваллудининг 100 йиллиги мамлакат миқёсида кенг нишонланди. Тадбирлар давомида атоқли шоиранинг халқаро миқёсдаги муваффақиятлари ҳам такрор-такрор ёдга олинди. Айниқса, озарбайжон шоираси Марварид Дилбозийнинг “Эҳтиром” номли хотиралар китобида ёзиб қолдирган дил сўзлари ҳар бир юртдошимизнинг қалбини ғурурга тўлдиради: “Ажойиб табиатли кишиларни кўрганда нодир инжу топган кишидек қувонаман, ҳаётни янада қаттиқроқ севаман. Сиз, Зулфия, мен учун ана шу нодир инжу ва гўзал кишилардан бирисиз... Сиз ўзбек хотин-қизлари чаманидан гўзал бир санъат биносини қурдингиз. Сиз халқингиз учун табиатнинг тухфаси, орзуларисиз”.

Юртбошимиз ташаббуси билан Халқ шоири Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгандан буён ҳозирга қадар тенгдошлари орасида ўзининг ноёб қобилиятини намоён эта олган икки юздан ортиқ қизларимиз ушбу мукофот билан тақдирланди. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда бундай мукофот йўқлигини ҳисобга олганда, бу мунис сингилларимизга ҳукуматимиз томонидан берилаётган алоҳида эътибор ва рағбатнинг ёрқин намунасидир.

Мустақиллик йилларида оналар, опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири сифатида қаралмоқда. Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, момолардан қолган азалий фазилатларини асраб-авайлаш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Ҳукумат томонидан аёл, оила, фарзанд, келажак авлод манфаатини ҳимоялаш кўзда тутилган ўнлаб фармойиш ва қарорлар чиқарилмоқда. 1998 - «Оила йили», 1999 - «Аёллар йили», 2000 - «Соғлом авлод йили», 2001 - «Оналар ва болалар йили»дан бошлаб 2012 - “Мутаҳкам оила йили”, 2013 - “Обод турмуш йили”, 2014 - “Соғлом бола йили”, 2015 - “Кексаларни эъзозлаш йили”га қадар ишлаб чиқилган давлат дастурлари бир бирини мантиқан давом эттириб, тўлдириб, кенг қамровли ва босқичма-босқич юксалишларни амалга оширилишига асос бўлмоқда. Аёллар манфаати асосий эътиборда тутилиб, унинг асос-негизида баркамол авлод тарбияси – келажак пойдеворини мустаҳкамлаш вазифаси турибди.

Таъкидлаш жоизки, фарзанд тарбияси бевосита оналар зиммасида: биринчи муаллим ҳам, ҳаётда бетимсол меҳрибон, жонкуяр ҳам фидойи онажонлардир. Шунингдек, мамлакатимиз таълим тизимидаги ходимларнинг етмиш фоиздан ортиғини-да аёллар ташкил этади. Бу соҳада оламшумул ўзгаришлар амалга оширилмоқда, замонавий мактаблар, касб-хунар коллежлари бунёд этилди, намунали иш шароити яратилди. Натижада халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақаларида фарзандларимиз эришаётган муваффақиятлар ҳаммамизни хушнуд этмоқда. Бу ютуқларнинг заминиди масъулиятли ва шарафли касб эгалари – ўқитувчи-мураббийларимизнинг машаққатли меҳнати мужассам. Асосийси, устозларнинг ўз шогирдларига инъом этаётган илм-фан дурдоналари аёллик меҳрига йўғрилганлигидир.

Энг масъулиятли вазифа – соғлиқни сақлаш соҳаси вакилларининг ҳам эллик фоиздан ортиғи аёллардан иборат. Бугун юртимизда ўртача ҳаёт давомийлигининг йил сайин ортиб бораётганлиги, ёш авлоднинг баркамол улғайишининг асосий сабаби шубҳасиз, шифокор ва ҳамшираларимиз меҳрининг сеҳридан дир.

Қай бир соҳа ҳақида сўзламайлик, барчага намуна бўладиган фидойи, жонкуяр опа-сингилларимизнинг фаоллиги, улар эришаётган муваффақиятлар, юртимиз тараққиётига қўшаётган улкан ҳиссаларини кўриб қувонамиз. Уларни қўллаб-қувватлашга, ардоқлашга интиламиз. Юртимизнинг мунис қизларига,

мехрибон онажонларимизга, жонкуяр опа-сингилларимизга Наврӯз айёми арафасидаги баҳорнинг илк байрами – Гўзаллик, Нафосат, Меҳр айёми муборак бўлсин.

Ҳумоюн Акбаров

“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси. 2015 йил, 6 март, №10